

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

АЛИЖОНОВА МАХБУБА РУСТАМЖОНОВНА

**БЎЛАЖАК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Алижонова Махбуба Рустамжоновна

Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш..... 3

Алижонова Махбуба Рустамжоновна

Совершенствование у будущих специалистов сельского хозяйства социально-педагогических механизмов развития относящихся к понятиям национальных ценностей 27

Alijonova Mahbuba Rustamjonovna

Improvement of socio-pedagogical mechanisms for the formation of national values notions of the future agricultural specialists 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

АЛИЖОНОВА МАХБУБА РУСТАМЖОНОВНА

**БЎЛАЖАК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Ped.262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (namdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Темиров Набижон Солиевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Асқарова Ўғилой Мамашокировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Тайланова Шохид Зайниевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» март соат 19 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (99869) 228-85-01; факс: 228-85-02; www.namdu.uz, e-mail: info@namdu.uz)


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 162-уй. Тел.: (99869) 228-85-01)

Диссертация автореферати 2021 йил «12» март кунини тарқатилди.
(2021 йил «12» март даги 10 - рақамли реестр баённомаси).




С.Т.Турғунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


Ш.К.Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўлишча фалсафа доктори (PhD)


Т.А.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда олий таълим тизимида сифатли кадрлар тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг ўзи танлаган касби ва мутахассислиги бўйича пухта билим бериш асосида келгуси амалий фаолиятида ўз функционал вазифаларини мукаммал бажаришга тайёрлаш йўналишларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар жараёнида олий маълумотли мутахассис шахсига ва уларнинг фаолиятига қўйилаётган замонавий талаблар асосида таълимни модернизация қилиш, янгилаш ҳамда таълим мазмунини изчил ривожлантириб бориш билан бир қаторда, бўлажак мутахассисларга белгиланган малакавий талабларни ҳам шахс ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ изчил такомиллаштириб бориш зарурати мавжуд. Айниқса, рақамли қишлоқ хўжалигини ташкил этиш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, ақлли қишлоқ хўжалиги технологияларини миллий деҳқончилик анъаналари ва кадриятлари билан уйғун тарзда амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини талабаларда шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим педагогик муаммолар сирасига киради.

Дунёда олий таълим жараёнларини замонавий ривожланишлар билан мувофиқлаштиришда ва такомиллаштиришда бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, компетентли бўлиши алоҳида эътироф этилади. Чунки малакали кадрлар тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш йўналишидаги замонавий талаблар бўлажак мутахассислар касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи инновацион ва интеграцион таълим жараёнларини самарали ташкил этишни назарда тутди. Шу ўринда, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни шакллантириш асосида жамият олдидаги маъсулиятини ҳис этиш туйғуларини ривожлантириш, касбий-интеллектуал салоҳиятини, янгиликлар яратишда фаоллик кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш зарурати ўзига хос мотивацион қимматга эга эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан инновацион ёндашувлар асосида бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-маънавий компетентлигини ривожлантиришда уларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг касбга йўналтирилган технологияларини ишлаб чиқиш, барча учун қулай таълимий ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурати алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини тизимли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновацион ресурслар ва тежамкор технологияларни қўллаш, рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий

маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари педагог-кадрларини илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини танлаш ва шакллантиришга жалб этиш, инновацион лойиҳаларида иштирок этишлари муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”² каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 19 августдаги ПҚ-4421-сон “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда талабаларда миллий кадриятларнинг шакллантириш масалалари бўйича республикамиз олимлари А.Абдираззаков, Э.Ахмеров, М.Баратова, Э.Бабамуратова, А.Эркаев, М.Маматовларнинг илмий ишларида ижтимоий ўзгаришларнинг миллий кадриятлар билан алоқадорлиги ҳамда методологик асослари ёритиб берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.

Маънавий ва ахлоқий ривожланиш масалаларини миллий кадриятлар негизида ўрганиш муаммоси бўйича Г.Ахунов (миллий кадриятлар тизимини ривожлантиришда маҳалланинг ролини ошириш), О.Мусурмонова, М.Иномова (оилавий кадриятлар), У.Маҳкамов, Н.Ортиқов, М.Исаков (ахлоқий кадриятлар), Р.Маматкулова (миллий ва ахлоқий мерос), К.Куранбаев, Р.Салимова (талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш), К.Насиров, С.Охунова, У.Сейтжанова, С.Хасанов, Б.Ходжаев (Шарк мутафаккирларининг аксиологик, ахлоқий, маънавий қарашлари), Н.Темиров, Н.Эгамбердиева, Ш.Тайлановалар (бўлажак мутахассисларда кадриятлар тизимини ривожлантириш) томонидан амалга оширилган.

МДХ мамлакатларида миллий кадриятларни ўрганишнинг назарий масалалари бўйича И.Асадуллаев, Р.Абсаттаров, В.Блюмкин, Л.Вонсович, О.Дробницкий, П.Матвеевлар (педагогик қўллаб-қувватлаш концепцияси), О.Газман, М.Губанова, Н.Касицина, С.Чистяковалар (миллий кадриятлар тарихий, маданий ва фалсафий асослари), В.Мельник, С.Князевлар (одоб-ахлоқнинг концептуал асослари), Т.Садыков, Г.Сапиевлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий олимлардан Д.Бамхарт, А.Верцбики, К.Клакхон, М.Рокич, А.Мэтколф, Л.Роберт Колс ва инглиз тадқиқотчиси Н.Хорнбилар томонидан кадриятларни ўрганиш услублари ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган илмий изланишларда бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг омиллари, педагогик-психологик хусусиятлари, ижтимоий муҳитнинг бўлажак мутахассисларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга таъсири, ижтимоий-педагогик механизмлари махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-2016-091020206 “Вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларнинг ижтимоий-педагогик тарбиялаш технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришдаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг ўрни ва аҳамиятини асослаш;

бўлажак мутахассисларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришдаги педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини очиб бериш;

ижтимоий институтларнинг ҳамкорлиги асосида талабаларда миллий

кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш шарт-шароитларини такомиллаштириш; талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг замонавий технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Олий таълим муассасалари қишлоқ хўжалиги йўналишлари талабаларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнлари

Тадқиқотнинг предметини бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнларида талабаларга урф-одатлар, расм-русумлар ва кадриятларнинг мазмун-моҳияти, зарурияти ва аҳамиятини тушунтириш асосида уларда ижобий муносабатлар, эҳтиёжлар ҳамда ўқув мотивларини қарор топтириш воситасида касбий-маънавий фазилатларни шакллантириш механизмлари такомиллаштирилган;

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришда ижтимоий-маънавий муҳитнинг қулай таълимий муҳит сифатидаги ўрни ва аҳамияти ижтимоийлашув омилларининг (микро, мезо, мего) таъсир даражаси динамикаси орқали асосланган;

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлашда дарс ва дарсдан ташқари жараёнлар, мақсадли курслар, вебинарлар ва ўқув материалларини ички ва ташқи (мақсадли ва тизимли) интеграциясини таъминлаш асосида талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш воситалари такомиллаштирилган;

музей педагогикаси ва дастлабки дехқончилик тараққиётининг таҳлили асосида талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнлари модели интериоризация, импровизация, рефлексив ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларини татбиқ этиш механизмлари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари учун “Миллий кадриятлар” тарбия дастури яратилган;

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган;

ижтимоий институтлар (олий таълим муассасаси, оила ва маҳалла) ва

маданий-маърифий муассасаларнинг талаба-ёшларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга доир ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаб берилганлиги, ижтимоий муҳитнинг бўлажак мутахассисларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар аниқлаштирилганлиги, баҳолаш мезонларининг такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришдаги аксиологик имкониятларини очиб берилганлиги, таълим мазмунини бойитишнинг горизонтал ва вертикал алгоритмининг аниқлаштирилганлиги, миллий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг технологик тузилмаси ҳамда ижтимоий муҳит таъсири орқали миллий кадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, талабаларда миллий кадриятларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизми ва шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришда ижтимоий муҳитнинг ўрни ва аҳамиятини ижтимоийлашув омиллари таъсир даражасининг ривожланишига кўра аниқлаштиришга доир таклифлардан 5111000 – касб таълими (агрономия) бакалавриат йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 87-03-4618-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида касбий-маънавий компетенцияларни шакллантиришга оид талаблар такомиллаштирилган;

бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришда педагогик-психологик фанларни ўқитиш жараёнларини горизонтал ва вертикал интеграциясини таъминлашга оид таклифлар 585603-EPP-1-2017-1-DE-EPKA 2-SBHE-JP TOPAS: “Қишлоқ хўжалиги бўйича назарияга асосланган таълимдан амалиётга асосланган

таълимга ўтиш” (2017-2020 йй.) номли илмий лойиха мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 87-03-4618-сон маълумотномаси). Натижада педагогик-психологик фанларни мазмунан касбий соҳага йўналтириб ўқитиш бўйича тавсиялар амалиётга татбиқ этилган;

талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнларига интериоризация, импровизация, рефлексив ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларини татбиқ этишга доир таклифлардан ПЗ-20170930223, “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020) номли амалий лойихани ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 87-03-4618-сон маълумотномаси). Натижада таълим олувчиларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришда ижтимоий институтлар ва маданий-маърифий муассасаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 132 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, миллий кадриятларнинг маданий-тарихий ва педагогик-психологик асослари, ижтимоий муҳит омилларининг бўлажак мутахассисларда кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга таъсири баён этилган.

Мазкур жараёнда тарбиявий кадриятларга алоҳида эътибор қаратилиши, унинг бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришдаги аҳамиятининг очиб берилиши ўта муҳимдир. Бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришда қуйидаги тарбиявий кадриятлар муҳим аҳамият касб этади (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришда тарбиявий кадриятлар босқичлари

Мазкур жараёнда тарбиявий кадриятларга алоҳида эътибор қаратилиши, унинг бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришдаги аҳамиятининг очиб берилиши ўта муҳимдир. Бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришда қуйидаги тарбиявий кадриятлар муҳим аҳамият касб этади: бой маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб бориш; жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий мероси чуқурлиги англаб олинганлиги; ёшларни ўз ўтмишига, миллий, диний анъаналарга ҳурмат билан қараши, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги; ўз миллатининг ўзга миллатлар олдидаги кадр-қимматидан, обрў-эътиборидан фахрланиш; миллат манфаатини ҳимоя қилишдаги масъулиятни ҳис этиш ва келажакка ишонч.

“Қадрият” ғоят мураккаб, кўпқиррали ва кенг қамровли аксиологик категориядир. Оламдаги нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг инсон ва кишилиқ жамияти учун аҳамияти тобора чуқурроқ англаниши билан қадрият тушунчасининг моҳияти ва мазмуни тобора чуқурлашиб бораверади. Шунинг


учун ҳам “қадрият” муттасил равишда бойиб борадиган тушунча бўлиб, унга бериладиган илмий-фалсафий таъриф ҳамisha даврнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, илмий изланишларнинг бугунги даражаси билан боғлиқ бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланган холда тадқиқот ишимизда “қадриятлар” тушунчасига таъриф бердик: Қадриятлар маънавий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичдир. Маънавият ва қадрият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Маънавият қадрият тушунчасига нисбатан бой ва кенг қамровли тушунчадир. Қадрият маънавият таркибига киради ва уни ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам қадрият деганда, кишиларда аввало маънавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлади. Туб ўзгаришлар ва янгиланиш даврида маънавий қадриятлар аҳамиятини ортиб бориши ўтиш даврига хос объектив-тарихий қонуниятдир (муаллифлик таърифи).

Тизимли, субъектив ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар ва қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган холда “қадрият” тушунчаси талабанинг касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлғуси педагогик фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосини ифода этиши ҳақидаги хулосага келинди.

Миллий қадриятлар жамият маданияти ва ривожланиб келаётган шахснинг ижтимоийлашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг жамият аъзоси сифатида ривожланиш жараёни унинг атроф-муҳит билан бевосита алоқаси ва ижтимоийлашув омилларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Ижтимоийлашув омилларини етакчи асос сифатида қараш миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш шарт-шароитлари ва механизмларини белгилаб олишга хизмат қилади. Тадқиқот ишимизда ижтимоий муҳитнинг бўлажак мутахассисларда миллий қадриятларни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ижтимоийлашув омилларининг микро, мезо, мего таъсир даражасини аниқлаш ва тизимли таҳлил асосида очиб берилди (2-расмга қаранг).



3-расм. Ижтимоий муҳитнинг бўлажак мутахассисларда миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти

Тадқиқотда ижтимоий-педагогик омилларнинг аҳамиятини аниқлаш жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ижтимоий фикр” ижтимоий тадқиқотларига суянган ҳолда амалга оширилди. Ушбу ўрганишларга кўра, асосий омиллар сифатида биринчи ўринда оила (85,9 %), мулоқотнинг ижтимоий муҳити (40,8 %), маҳалла (38,8 %), таълим муассасаси (33,5 %), ОАВ ва интернет (32,7 %) ва дўстлар (27 %) ташкил этиши ҳақидаги хулосага келинди.

Диссертациянинг “**Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари**” деб номланган иккинчи бобида педагогик-психологик фанларнинг бўлажак мутахассисларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш имкониятлари, ижтимоий муҳит таъсири орқали талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик модели ва Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи уч йўналишини ажратиб кўрсатишга асосланди (4-расмга қаранг).

Талабаларда миллий кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ўзаро интегратив, бир-бирини тўлдирувчи уч йўналиши



Биринчи йўналиш – педагогик-психологик фанларнинг аксиологик асосларини кенг оммалаштириш



Иккинчи – талабалар ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнини миллий кадриятга доир маълумотлар билан бойитиш



Учинчи – аввалги икки босқични татбиқ этиш бўйича ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.

4-расм. Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга доир аксиологик имкониятларнинг интеграцион босқичлари

Педагогик-психологик фанлар, курс, бўлим, мавзуларнинг аксиологик салоҳиятига талабалар эътиборини қаратиш учун биз аксиологик тавсифдаги ўқув материалларини ишлаб чиқдик. Булар эса, ҳикматли сўзлар, эртақ, афсона, мақоллар, махсус саволлар, педагогик ва бадиий асарлардан парча, тасвир, видео-аудио материаллардан иборат.

Педагогик-психологик фанларни биз қуйидаги гуруҳларга ажратдик: асосий курслар (“Педагогика. Психология”); интеграциялашган курслар (“Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касбий педагогика”, “Касбий психология”, “Нутқ маданияти”). Бундан ташқари, биз тажриба-ишлари жараёнида тадқиқотчиликка доир шаклларни ҳам кўзда тутдик (аутодиагностика, индивидуал ва жамоавий маърузалар тайёрлаш, тадқиқот ишлари ҳимояси, талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжуманини ўтказиш).

Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини махсус алгоритм асосида амалга ошириш бўйича махсус фаолиятни ташкил этиш режалаштирилди, у мазкур фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг педагогик механизмини ўзида акс эттирди (5-расмга қаранг).



5-расм. Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг технологик тузилмаси

Тадқиқот муаммоси бўйича илмий изланишлар таҳлили, шунингдек, синов тарзида ташкил этилган тажриба ва сўровнома натижаларига кўра, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш моделининг қуйидаги таркибий асослари аниқлаштирилди:

мақсад, вазифалар тамойиллар (шартлар), ёндашув, омиллар, йўналишлар, моҳият, мезонлар, кутилаётган натижалар, педагогик шарт-шароитлар, шакллар ва технологиялар (механизмлар) (6-расмга қаранг).

Мақсад: Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий умуминсоний ва миллий қадриятларга йўналган етук шахснинг ривожланиш

Вазифалар: ўз маданияти ва анъаналарига хурмат муносабатини сингдириш, шахсий ва касбий ижтимоийлашув жараёнида миллий-маданий анъаналар ва қадриятларни ўзлаштирилишига эришиш.

Тамойиллар:
инсонпарвар
йўналганлик, маданий
ва табиий уйғунлик,
яхлитлик, этниклик,
эстетиклик,
интегротивлик.

Мезонлар:
когнитив,
эмоционал-қадриятли,
фаолият ва хулқ-авторга
оид

Йўналишлар:
педагогик-психологик
фанларнинг аксиологик
имконияти,
жамоатчилик ташкилотлари
билан ҳамкорлик (Ёшлар
иттифоқи, маҳалла, маданий-
маърифий муассасалар)

Талабаларда миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш

Педагогик шароитлар:
психологик-педагогик
таъсирлар, таълим
муҳити,
гуманитарлашуви,
таълим-тарбия
жараёни,
интегротивлик,
ижтимоий-маданий
йўналганлик, музейга
оид идораларнинг
ижтимоий-маданий
фаолияти, тарихий,
маданий ва маънавий
ахлоқий меъёрларга
асосланган
қадриятларни узлуксиз
ўзлаштиришга
мўлжалланган шахс
учун қулай педагогик
шароити ташкил этиш

Мазмун:
а) анъаналар ёки маданиятнинг
барқарор элементлари,
шунингдек маданиятнинг
ижтимоий-норматив соҳасида
анъана сифатида белгиланувчи
урф-одатлар ва мазкур
тизимда ҳукмронлик қилувчи
норматив талабалар сезмаган
холда мурожаат этиш яъни
расм-русумлар;
б) анъаналар билан қаттиқ
боғланган маиший маданият;
в) кундалиқ хулқ-атвор
(турмуш тарзи);
г) “Дунёнинг миллий
манзараси” бу ёки бошқа
маданият вакиллари
идрокининг миллий
хусусиятлари, атроф-муҳитни
англашнинг таснифи;
д) бадиий маданият
миллатнинг мадааний
анъаналарини ўзида акс этади.

Технологиялар
– фаолиятнинг ахамиятли
кўринишларига таяниш;
– тарбия, ривожланиш ва
санъатнинг ижтимоий
ҳолатини яратиш;
– гуруҳ, тушунча, дунёқараш
ва қадрият маъносига доир
даражаларнинг психологик-
педагогик бирлашуви.
Шакллари:
– тадқиқотчилик ва
лойихавий фаолият;
– видеоколлекция ва
тақдимот;
– виртуал саёҳат;
– танлов, фестивал ва
концертлар;
– музейга доир фаолият;
– аудиториядан ташқари
фаолият – билим-тарбия, бўш
вақтга оид;
– талабаларнинг бадиий-
яратувчанлик фаолияти

Натижа: миллий қадриятларга оид тушунчаларни ўзлаштирган бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассиси

6-расм. Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик модели

Талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш жараёнининг психологик-педагогик таъминоти куйидаги механизмларга таяниши зарурлиги аниқлаштирилди:

– умуминсоний кадриятларни шахсинг олий психик функциясига айлантурувчи интериоризация механизми ҳамда бу жараён билан узвий алоқадор бўлган, муҳитни ўзгаришини кўрсатиб берувчи, янги маънавий маҳсулот яратувчи, уни ички тузилмага ташқи ижтимоий-маданий фаолиятнинг интериоризацияси натижасида юзага келган алмаштиришлар орқали сифатли кўшилишини таъминловчи экстериоризация механизми;

– ички тақлид қилиш механизмлари орқали шахс томонидан ахлоқий, дунёқарашлар, кадриятлар эталонларини ва анъаналар, афзалликларни ўзлаштиришни ўз ичига олувчи анъанавий механизм;

– шахслараро механизм инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ва мулоқот давомида ишлатилади, унда субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақиқий маҳсулот ва маданият “механизм”и ҳисобланади;

– рефлексив механизм, унда ижодий ривожланишнинг энг асосий белгиловчи омили ҳисобланган рефлексия ташкилий тузилмасидан қайтий назар хар қандай ижтимоий субъектга тегишли бўлади. Рефлексиянинг асоси инсоний дунёқарашнинг сифатини яхшилашга сабаб бўлувчи шахсий ўзликни англаш, уни ривожлантириш ҳисобланиб, у инсонга ўзини маданий-тарихий жараёнда асосий бўғин сифатида англаб етишига имконият яратади;

– институционал механизм шахс маданиятининг ривожланиши инсоннинг ижтимоий маданий институтлар билан ўзаро муносабати натижасида юзага келади.

Миллий тарбия жараёни (шу жумладан, миллий кадриятларни англаш ҳам) фақатгина тарбияланувчининг ички дунёсида шахсий мазмун пайдо бўлиши ва унинг умуминсоний кадриятларга уйғунлашганда мумкин бўлади.

Бунга эса ўз навбатида ижодий фаолият йўл очиб беради. Дунёга ижодий ёндашув хар доим яхлит ҳолда, доимо мантиқий ва ҳиссий қисмлар узвий тенгликда бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳолатда турли хил кадриятлар ва фикрлар маълум қонуниятга кўра ёки тасодифий равишда бирлашади. Уйғунликка эга таълим жараёнлари хар доим ҳам амалий ҳаётда ўз ўрнини топавермаса ҳам, улар талабага дунёнинг ўзига хос тузилишини ташкиллашга ва шу билан бир қаторда дунёга шахсий қарашларини ифода этишига ёрдам беради.

Шундай экан, ўзаро уйғунликни таъминлаш (интеграция) замонавий таълим муҳитида миллий кадриятларни ўзлаштиришнинг энг асосий психологик-педагогик механизми ҳисобланади. Интеграциянинг ижтимоий-педагогик механизми тўртта асосий даражани ўз ичига олади: ассоциатив-образли, илмий-тушунчавий, фалсафий-дунёқараш ва кадрият-моҳиятга доир (7-расмга қаранг). Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган механизм бир нечта турдаги билимларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, уларнинг яхлит шакл ёки тизимга келтириш, ўрганилаётган маълумотларни кадрият-моҳиятли мазмун билан бойитиш ҳамда бу орқали ёшларни миллий кадриятларга уйғунлашувига имконият яратади.



7-расм. Талабаларда миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизми

Талабанинг фаолияти ҳам ўз навбатида интеграцион тавсифга эга бўлиши зарур, у ўзида ўйин, ўқув-билиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини, халқ ижодиёти, тадқиқотчилик ва бадий фаолиятни акс эттириши лозим.

Бизнинг тадқиқотимизнинг вазифаси талабалар – бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга ижтимоий муҳит таъсирининг педагогик шарт-шароитларини аниқлашладан иборат.

Биз миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий омили сифатида музей педагогикаси доирасида амалга ошириладиган ОТМ ва маҳалладаги тарбия жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини танлаб олдик.

Музей педагогикаси кенг қамровли таълим-тарбиявий фаолиятнинг шаклларига эга бўлиб, уларга маърузалар, тўғараклар, экскурсиялар, маслаҳатлар, илмий ўқишлар, студиялар, клублар, адабиётлар кечалари, киносеанслар, концертлар, машҳур инсонлар билан учрашувлар, байрамлар, тарихий ўйинлар, танловлар ва мусобақалар кабилар киради. Юқоридаги асосий кўринишлардан ташқари, яна кўшимча арт-терапия, совға-дарслар, мини тадқиқотлар, дастлабки деҳқончилик манзилгоҳларининг таҳлили ва бошқа бир қанча ноанъанавий фаолият турлари мавжуд. Юқоридаги барча

тадбирлар миллий тарихимиз ва маданиятимиз билан чуқурроқ танишиш имконияти юзага келади.

Тадқиқот жараёнида талабалар томонидан музей билан ишлаш фаолиятини ташкил этишида қуйидаги тамойилларга амал қилинди:

1. Музейларда ўтказилувчи машғулотларни ижтимоий фанларнинг дастурлари, уларнинг мавзулари, дарсдан ташқари тадбирлари ва байрамлари билан алоқаларини ўрнатиш.

2. Музейчилик фаолиятининг турлича усуллари ва шаклларини ишлатиш, ўйинлар ва ижодий вазифаларни қўшиш.

3. Талабалардаги талаб ва хоҳиш-истакни ҳисобга олиш.

4. Музейларда экскурсияларни ташкил қилишда визуал (кўриш орқали) тушуниш қобилиятининг етакчи ўрин эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, имкони борича интерфаолликни моделлаштиришга интилдик, хусусан, инсон фақат ўзи амалга оширган ишларини ёдда сақлаб қолади, тушунишнинг барча каналларини (ҳиссиёт, мантиқий-таҳлилий, психик йўналганлик) қўшиш, дастурий, яъни ахборотни ўзлаштирилишини таъминловчи ҳамда махсус ишлаб чиқилган дастур асосида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

5. Тарихий маълумотлар, воқеалар талабаларга ўрганиш осон бўлган даражада етказилиши лозим.

6. Машғулотлар ўртасида оддийдан мураккабга тамойилига асосланган алоқа бўлиши лозим.

7. Талабаларда мустақиллик ва ижодий фаолликни шакллантириш лозим.

Музейларда ташкил қилинган дарслар давомида талабалар театрлаштирилган ҳамда кўرғазмали чиқишларда куй-қўшиқлар, рақслар билан фаол иштирок этиб, халқ ва муаллиф-ижодкорларнинг асарларини сахналаштиришди. Улар томонидан дехқоннинг оиласидаги тушлик, бозорларда, совчилик, дўстларнинг учрашуви ва Наврўз байрамини нишонлаш каби маиший ҳаётдаги воқеалар ҳам ижро этилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учунчи бобида талабаларда миллий кадриятларга оид тушунчаларни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Тадқиқот муаммосининг ўзига хослиги, яъни унинг ижтимоий омиллар билан боғлиқ алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, талабаларнинг миллий кадриятларни ўзлаштириш даражасини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари белгилаб олинди: когнитив-англаш – миллий кадриятлар элементларини баҳолаш ва англаш кабиларни ўз ичига олади; эмоционал-мотивацион – ўз ичига ҳиссий муносабат, миллий кадриятларга бўлган қизиқишни қамраб олади; аксиологик – кадриятлар, манфаатлар, талаблар тизими бўлиб, шахснинг ҳаракати ва йўналишларини тартибга солади; фаолият ва хулққа доир – талабанинг ҳаракатларига қараб педагогик таъсирнинг натижаларини аниқлашга ёрдам беради.

1-жадвалда талабаларнинг миллий кадриятларни ўзлаштириш жараёнларининг диагностик картаси келтириб ўтилган.

1-жадвал

Талабаларнинг миллий кадриятларга оид тушунчаларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мезонлари

Мезонлар	Даражалар		
	Қуйи	Ўрта	Юқори
Когнитив-англаш	Бир томонлама ва юзаки билимларга эга – фақат анъана ва удумлар ҳақида, бадиий асарлар ҳақида маълумотга эга, тўлиқ шаклланмаган, барқарор бўлмаган баҳо тавсифи	Миллий маданиятга, анъана ва удумларга, миллий-маданий тизимдаги фаолиятни англашга бўлган қизиқиш барқарор.	Миллий кадрият тўғрисидаги билимларга эга, анъаналар тарихи ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга.
Эмоционал-мотивацион	Миллий кадриятларнинг анъанавий маросимлар билан боғлиқликда тушунади, бадиий кадриятларга қизиқмайди	Асосан тақлидий характерга эга, интилиш йўқ, миллий кадриятларга эстетик жиҳатдан баҳо бериш намоён бўлади.	Миллий кадриятларга юқори қизиқишга эга, анъана, удумларнинг эстетик жиҳатдан аҳамиятини юқори баҳолайди
Аксиологик	Миллий кадриятлар асосан утилитар характерга эга, уларнинг муҳимлиги ва тизимлилиги, тарих, сиёсат ва замонавий инсоннинг сиймосидаги аҳамияти инобатга олинмайди	Миллий кадриятлар аҳамиятини англайди, лекин уларни талқин қилишда айрим иккиланишлар мавжуд.	Қадриятларнинг аҳамиятини ва улкан мерос эканлигини англайди, кенг маънода айтганда бу шахсий кадриятлар билан чамбарчас боғлиқликда намоён бўлади
Фаолият-хулққа доир	Анъана, удум, маросимларда иштирок этишнинг мажбурий тавсифга эгаллиги, маънавий, маданий нуқтаи назарнинг ноаниқлиги	Анъана, удум, маросимларда ихтиёрий иштирок этиш, маънавий, маданий нуқтаи назарнинг мавжудлиги	Анъаналарга тўлиқ риоя қилиш, давлат ва миллий байрамлардаги фаол иштирок этиш ва доимий ижодий ёндашув билан тавсифланади.

Тажриба-синов ишларининг асосий натижалари мониторинг жараёни ва етакчи тадқиқот усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил этилди: 1. Гуруҳ мураббийи ва ўқитувчиларнинг мақсадли кузатуви. 2. Шахснинг қадрий жиҳатларини аниқлашга кўмак берувчи сўровномалар. 3. Ўқитувчи, методист ва кафедра мудирларининг эксперт хулосалари. 4. Этнопсихологик сўровнома, унинг таркиби, мамлакат маданияти, тарихи бўйича берилган саволларга жавоблар назарда тутади.

